

Тамаъдан сақланинг!



11:20 / 10.03.2019 2807

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тамаъ қилинмайдиган ўринда тамаъ қилиб, қалбнинг муҳрланиб қолишидан паноҳ сўрар эдилар.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: «Тамаъчалик инсоннинг ақлини кетказадиган нарса йўқ», деганлар.

Умар ёки Ибн Зубайр розияллоҳу анҳумо Каъб розияллоҳу анҳуга: «Инсонлар илми ўргангач, нима уни уларнинг қалбидан чиқариб юборади?» дейишди. У киши: «Тамаъ ва ҳожатларни инсонлардан сўраш», деб жавоб бердилар. Каъб розияллоҳу анҳу яна шундай деганлар: «Олимларнинг оёғи мустаҳкам турмай, тойилиб кетишга сабаб бўладиган нарса тамаъдир».

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: «Одамларнинг қўлидаги нарсадан умидни узишда бойлик бор, тамаъда фақирлик бор, узлатда эса ёмонликка аралашидан узилиш бор», деганлар.

Амр ибн Убайд айтади: «Мўминда учта хислат бор: ўзига зарар берадиган сўзни эшитиб, уни эшитмагандай кетади. Ўзига раво кўрган нарсани бошқаларга ҳам раво кўради. Одамлардан бирон нарса тамаъ қилмайди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан